

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

Бухоро – 2019 й.

СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси - Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-декабрь ойлари яқунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,Д,Е,Ғ секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, инвестицион фаоллик, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, қурилиш, ташқи иқтисодий алоқалар, транспорт, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Дастлабки ҳисоблар асосидаги маълумотларга келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи ички маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3), , ,	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	Бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	9
I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	10-13
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш	10
ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари	11
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби	12
Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби	13
II. САНОАТ	14-22
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	14-15
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	16
Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)	17
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	18
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш	18
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби	19
Шаҳар ва туманларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	20
Шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	21
Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси	21
Ҳудудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши	22
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	23-35
Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва тақсимланиши	23-24
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	25
Дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши	26-27
	28-29

Худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	
Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши	30
Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	31-32
Хўжалик тоифаларининг чорва моллари ва паррандалар бош сонидаги улуши	33
Худудлар кесимида қорамоллар ва паррандалар бош сони	34
Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	35

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ 36-45

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши	36
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари	37
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари	38
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	39
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича	40
Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби	41
Худудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар	42
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	43
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари	44
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти	45

V. ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ 46-52

Иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари	46
Худудлар кесимида якуний молиявий натижалари	47
Зарар қўрган қорхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	48
Қорхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати	49

Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби	50
Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги	51-52
VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	53-56
Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши	53
Тармоқлар бўйича кичик бизнес улуши	54
Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши	55-56
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	57-65
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича	57
Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар (юримдик шахслар)	58
Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юримдик шахслар мулкчилик шакллари бўйича	58
Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият юритаётган тижорат корхоналари	59
Шаҳар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотлар	60
Шаҳар ва туманлар бўйича корхона ва ташкилотлар	61
Ташкил топган ва тугатилган корхоналар	62
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	62
Оилавий корхоналар сони	63
Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони	65
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	66-70
МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	66
Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши	67
Экспорт-импорти таркиби	67
Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби	68
Ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар товар айланмаси	69

МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби 69

МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 70

IX. ТРАНСПОРТ 71-72

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси 71

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 72

X. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ 73-77

Чакана савдо товар айланмаси таркиби 73

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси 74

Туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши 75

Чакана товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида 76

Улгуржи савдо айланмаси 77

XI. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ 78-82

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар 78

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларининг таркиби 79

Бозор хизматлари умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши 80

Шаҳар ва туманлар кесимида бозор хизматлари 81

Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига ҳажмлар 82

Аҳоли жон бошига кўрсаткичининг ўсиш суръатлари 82

XII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ 83-87

Доимий аҳоли сони 83

Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши 84

Туғилиш 85

Ўлим даражаси 85

Миграция 85

Тузилган никоҳлар 87

Никоҳдан ажралишлар 87

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь-декабрь**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь-декабрь</i>	<i>2017 йил январь- декабрга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	<i>млрд. сўм</i>	21151,9	104,6
Саноат маҳсулоти	<i>млрд.сўм</i>	8520,7	103,0
Истеъмол товарлари	<i>млрд. сўм</i>	3797,3	103,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	<i>млрд. сўм</i>	17463,9	105,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	<i>млрд.сўм</i>	7846,1	50,4
Қурилиш ишлари	<i>млрд. сўм</i>	3231,0	107,3
Юк айланмаси	<i>млн. тн-км</i>	1699,1	96,6
Йўловчи айланмаси	<i>млн. йўловчи-км</i>	9982,2	104,0
Чакана товар айланмаси	<i>млрд. сўм</i>	8306,6	106,8
Хизматлар, жами	<i>млрд. сўм</i>	6439,8	107,7
Ташқи савдо айланмаси	<i>млн. АҚШ долл.</i>	893,5	101,8
Экспорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	162,8	80,7
Импорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	730,7	108,1
Сальдо (+;-)	<i>млн. АҚШ долл.</i>	-567,8	х

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 21151,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 104,6 фоизга тенг бўлди. ЯҲМ дефлятор индекси 2017 йилнинг январь - декабрдаги нархларга нисбатан 114,7 фоизни ташкил этди.

Январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ ишлаб чиқариш

	<i>млрд.сўм</i>		<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>	<i>2018 йил</i>	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	16504,3	21151,9	104,6
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	15387,6	19809,2	104,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	1116,7	1342,7	104,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	15387,6	19809,2	104,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7713,9	10223,4	105,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3159,3	4211,3	102,8
саноат	2038,5	2758,5	100,3
қурилиш	1120,8	1452,8	107,3
Хизматлар	4514,4	5374,5	105,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1211,4	1472,5	104,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1176,2	1283,4	105,5
бошқа хизматлари	2126,8	2618,6	105,8

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 105,0 фоиз (ЯҲМ таркибидаги улуши – 51,6 фоиз), саноат – 100,3 фоиз (13,9 фоиз), қурилиш – 107,3 фоиз (7,3 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,2 фоиз (7,4 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,5 фоиз (6,5 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,8 фоиз (13,3 фоиз) ни ташкил этди.


2018 йил январь - декабрь учун ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (51,6 фоиз), хизматлар (27,2 фоиз) ва саноат (қурилишни қўшган ҳолда) (21,2 фоиз) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 79,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрь ойларида 79,2 фоизни ташкил қилган.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

2017 й.

2018 й.



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 27,2 фоиз (2017 йил январь- декабрда 29,4 фоиз) ни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,4 фоизни (2017 йил 7,9 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари – 6,5 фоизни (7,6 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 13,3 фоизни (13,9 фоиз) ташкил этди.

II. САНОАТ

2018 йил январь-декабрда вилоят корхоналари томонидан ҳажми 8520,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти чиқарилган бўлиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 3797,3 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-декабрга нисбатан 103,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1428,0 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 2369,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 101,6 фоиз ва 105,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 67,5 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2018 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	8520,7	103,0
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	601,1	103,0
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	362,3	93,0
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	18,3	93,2
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	220,5	121,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	7539,4	103,1
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1604,8	106,1
Ичимликлар ишлаб чиқариш	54,4	104,7

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1541,4	106,8
Кийим ишлаб чиқариш	372,0	91,1
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	7,6	99,1
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	3,7	93,8
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	45,4	130,2
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	4,5	99,9
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2721,2	101,0
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	178,1	102,2
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	11,5	98,1
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	44,3	98,5
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	593,2	109,3
Металлургия саноати	6,6	63,4
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	213,7	96,4
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ускуналар ишлаб чиқариш	0,2	77,7
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	0,3	73,9
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	0,1	62,8
Мебел ишлаб чиқариш	73,3	94,7
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	0,3	108,3
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	62,8	110,3
Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	261,3	99,9
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	118,9	99,3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-декабрь)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 601,1 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 7,1 фоизни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар - 21,9 фоизга ошган, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш – 93,0 фоизни, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият - 93,2 фоизни ташкил қилган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари турларини
ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- декабрь	2017 йил январь- декабрга нисбатан %
Нефт	минг тн.	20,4	95,1
Табиий газ	млн.м.куб	4714,1	93,7
Газ конденсати	минг тн.	45,2	80,3

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 7539,4 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 88,5 фоизни ташкил этди.

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- декабрь	2017 йил январь- декабрга нисбатан %
Бензин	минг тн.	710,0	89,4
Дизел ёқилғиси	минг тн.	594,5	100,9
Мазут	минг тн.	91,0	116,8
Керосин	минг тн.	142,0	106,9
Суюлтирилган газ	минг тн.	8,6	98,9
Арок	минг л. 100% спирт	1803,6	100,5
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг л. 100% спирт	22,6	83,4

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- декабрь	2017 йил январь- декабрга нисбатан %
Узум виноси	минг л.	516,4	58,6
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн.	82,5	108,3
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн.	3339,0	85,0
Тозаланган ўсимлик ёғи	тн.	22277,0	87,6
Омихта ем	тн.	37692,7	103,0
Пахта толаси	минг тн.	87,3	79,2
Пахта чигити	минг тн.	12304,0	82,7
Пахта (линти)	тн.	8349,0	81,5

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 261,3 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 3,0 фоизни) ташкил этди.

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- декабрь	2017 й январь- декабрга нисбатан %
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	881,1	108,4

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 118,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,4 фоизни) ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини кўллаб қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 3797,3 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 103,8 фоизга ўсиши таъминланди, жами sanoатдаги улуши эса 44,6 фоизни ташкил этди.

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	3797,3	103,8
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	1428,1	101,6
ноозик-овқат товарлари	2369,2	105,2

Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1387,4 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 36,5 фоиз, ноозик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2369,2 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 62,4 фоиз, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 40,7 млрд.сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 1,1 фоиз ташкил этди.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Когон шаҳри (3,9 фоиз), Олот (2,7 фоиз) ва Пешкў (2,8 фоиз) туманларига тўғри келади.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да (январь-декабрь ойлари учун)




Шаҳар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бухоро вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Қоровулбозор тумани (Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 34,2 фоиз улуши), Бухоро шаҳри (17,5 фоиз), Ромитан тумани (7,1 фоиз), Гиждувон тумани (6,9 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % ҳисобида



2018 йилнинг январь-декабрь ойида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да




2018 йилнинг январь-декабрь ойида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши энг кўп Бухоро шаҳрида - 29,5 фоиз, Қоровулбозор туманида – 12,0 фоиз ҳамда Ғиждувон туманида - 10,0 фоизни ташкил қилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 фоизга ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши эса 41,1 фоизни ташкил этмоқда.

**2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича йирик
корхоналар ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги
улуши, фоизда**



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлил қилинганда, Қоровулбозор туманида (162653,9) минг сўм, Когон шаҳрида (6816,6 минг сўм), Бухоро шаҳрида (5390,5 минг сўм), Когон туманида (5405,0 минг сўм) ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (4520,7 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.


Аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши вилоят даражаси 2014,7 минг сўм бўлгани ҳолда, Қоровулбозор туманида 25410,8 минг сўмни, Бухоро шаҳрида 4037,0 минг сўмни, Когон шаҳрида 2461,3 минг сўмни, Когон туманида 2305,8 минг сўмни ташкил этди.

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 17463,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 105,0 фоизни, шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 8852,3 млрд. сўмни (102,2 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 8312,1 млрд. сўмни (108,1 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 82,5 млрд. сўмни (106,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 97,8 млрд. сўмни (196,5 фоиз), овчилик хўжалигида 0,4 млрд. сўмни (100,0 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 118,8 млрд. сўмни (92,6 фоиз) ташкил қилди.


2018 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

млрд.сўм



Хусусан юкори ўсиш суръатлари Бухоро шаҳар (118,7 фоиз), Когон (107,6 фоиз), Жондор (105,9 фоиз) туманларида кузатилди. Когон шаҳар (38,7 фоиз) ва Шофиркон (101,3 фоиз) туманларида эса, аксинча паст суръатлар кузатилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лар
ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Ғиждувон туманининг улуши 11,8 фоизни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Бухоро ва Жондор туманлари мос равишда 11,7 фоиз ва 11,3 фоиз кўрстак билан кейинги ўринларни эгаллади. энг кам улуш Когон шаҳар (0,1 фоиз), Бухоро шаҳар (1,8 фоиз) ва Қоровулбозор (2,6 фоиз) туманларида қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари


2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 104,8 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 102,2 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари 108,1 фоизни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 70,6 фоизи - деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 28,3 - фоизи фермер хўжаликларига, 1,1 фоизи - қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида, % ҳисобида



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг улуши хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юкори кўрсаткичлар барча туман ва шаҳарларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши кузатилди.

Деҳқончилик


2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларнинг ҳажми 8852,3 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 102,2 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 51,6 фоизни ташкил килди.



Ҳосилни йиғиб олиш.

Жорий йилнинг январь - декабрь ойларида дон жами 550258 тонна (86,9 фоиз), пахта жами 296391 тонна (97,9 фоиз), картошка 212625 тонна (105,8 фоиз), сабзавотлар 698834 тонна (100,5 фоиз), полиз 148233 тонна (102,4 фоиз), мева ва резаворлар 280163 тонна (103,9 фоиз), узум 191040 тонна (101,1 фоиз) йиғиб олинди.

Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши, % ҳисобида



Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда, ҳисобот даврида умумий картошканинг 92,1 фоизи, сабзавотларнинг ҳажмининг 79,4 фоизи, полизнинг 73,3 фоизи, мева ва резаворларнинг 50,0 фоизи, узумнинг 60,1 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-декабрида шахар ва туманлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Пахта (тонна)



Дон (тонна)



Картошка (тонна)



Сабзавотлар (тонна)



Полиз (тонна)



Мевалар ва резаворлар (тонна)



Узум (тонна)



Чорвачилик




2018 йил январь - декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8312,1 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 108,1 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 48,4 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь- декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 241,3 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январ- декабрига нисбатан 8,0 фоизга кўп), 941,3 минг тонна сут (3,9 фоизга кўп), 436,6 млн.дона тухум (20,1 фоизга кўп), 3837,0 тонна жун (0,9 фоизга кам), 434,9 минг дона қорақўл тери (ўтган йилга нисбатан 100,0 фоиз), 1659,7 тонна пилла (10,5 фоизга кам) , 1764,7 тонна асал (1,1 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тирик вазнда гўштнинг умумий ҳажмидан 96,3 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 95,2 фоизи, тухумнинг 57,6 фоизи, жуннинг 83,9 фоизи, қорақўл терининг 87,3 фоизи ҳам деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

Гўшт (минг.т)


Сут (минг.т)



Тухум (млн.дона)




Балиқ (тонна)



Йирик шохли қорамоллар ва паррандалар бош сони

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 1212,5 минг бошни, шу жумладан сигирлар – 394,7 минг бошни, қўй ва эчкилар – 2121,2 минг бошни, от - 5207 бошни, паррандалар – 4440,9 минг бошни ташкил этди. 2017 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 15,3 минг бошга (1,3 фоизга), шу жумладан сигирлар – 10,9 бошга (2,8 фоизга), қўй ва эчкилар – 53,0 минг бошга (2,6 фоизга), отлар - 340 бошга (7,0 фоизга), паррандалар – 411,5 минг бошга (10,2 фоизга) кўпайди.

**Хўжалик тоифаларининг чорва моллари
ва паррандалар бош сонидagi улуши, % ҳисобида**



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамоллар 5,6 фоизи фермер хўжаликлари 92,9 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 11,7 фоизи фермер хўжаликларига, 81,7 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 6,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 10,6 фоизи фермер хўжаликларига, 59,6 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 29,8 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**2019 йил 1 январь ҳолатига шаҳар ва туманлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)

шу жумладан: сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)

Паррандалар (минг бош)



Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 4855,7 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 27,8 фоизни ташкил этди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатида фермер хўжаликларида 67,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 19,4 минг бош сигир, 248,6 минг бош қўй ва эчкилар, 472,8 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 3,7 фоизга, қўй ва эчкилар 9,9 фоизга, паррандалар 2,1 мартага кўпайган.

2018 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	2017 йил январь-декабрь		2018 йил январь-декабрь		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	5955	2,7	6944	2,9	116,6
Сут	38819	4,3	40672	4,3	104,8
Тухум, минг дона	10304	2,8	28628	6,5	2,8 м.к.
Қорақўл тери, дона	34552	7,9	37035	8,5	107,2
Жун	309	8,0	415	10,8	134,3
Пилла	1739,87	93,8	1659,74	100,0	95,4
Пахта	301746	99,7	275173	92,8	91,2
Бошоқли дон	390106	66,0	380399	81,0	97,5
шундан: буғдой	369511	67,6	364961	80,5	98,8
Картошка	14718	7,3	16729	7,8	113,7
Сабзавот	139100	20,0	137803	19,7	99,1
Полиз	37545	25,9	39241	26,4	104,5
Мева ва резаворлар	132081	49,0	138372	49,4	104,8
Узум	79980	42,3	75671	39,6	94,6

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2018 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 7846,1 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50,4 фоизни ташкил қилди.

Инвестициялар ҳажми ЯҲМ таркибидаги улуши 7,3 фоизни ташкил қилиб, 2017 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 107,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган


	млрд.сўм	ўсиш суръати,%	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7846,1	50,4	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	963,6	71,8	12,3
бюджет маблағлари	235,7	164,9	3,0
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	36,4	132,8	0,5
давлат мақсадли фонд маблағлари	346,9	115,4	4,4
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	344,6	56,6	4,4
Марказлашмаган инвестициялар	6882,5	48,5	87,7
корхоналарнинг ўз маблағлари	1211,5	58,0	15,5
аҳоли маблағлари	1092,9	134,5	13,9
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	3845,4	35,5	49,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	732,7	120,5	9,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(январь-декабрь)



Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 71,8 фоизни ташкил этиб, 963,6 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 12,3 фоизи) ўзлаштирилди.


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари
(январь-декабрь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Шундан, бюджет маблағлари 235,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 164,9 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 3,0 фоиз), бюджетдан ташқари фондлар 346,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,4 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 4,4 фоиз), Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 344,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 56,6 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 4,4 фоиз), болалар спортини ривожлантириш фонди томонидан Бухоро вилоятига йўналтирилган инвестициялар 36,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 132,8 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 0,5 фоиз).

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари

(январь-декабрь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 6882,5 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 48,5 фоизни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 87,7 фоиз) ташкил этди. Шундан

жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, 3845,4 млрд. сўмни ташкил этди, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35,5 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 49,0 фоиз), корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 1211,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 58,0 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 15,4 фоиз), аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 1092,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 134,5 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 13,9 фоиз), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 732,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 120,5 фоизни ташкил қилди (умумий ҳажмдаги улуши 9,3 фоиз).

2018 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби


млрд. сўм

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
Жами	7846,1	1088,4	6757,7
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	69,6	83,7	67,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	14,8	12,4	15,1
бошқа харажатлар	15,6	3,9	17,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 6,4 фоизга камайган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 7,7 фоизга ошган, бошқа харажатлар 1,3 фоизга камайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

(январь-декабрь)



- Уй-жой қурилиш
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Ташиш ва сақлаш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек, тоғ-кон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 3885,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 49,5 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 3861,5 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 49,2 фоизи табиий газ қазиб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек, асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари уй-жой қурилишига 17,0 фоизи, ташиш ва сақлашга 4,2 фоизи, ишлаб чиқарадиган саноатига 5,3 фоизи, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 3,2 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 2,3 фоизи ва бошқа фаолият турларига 14,7 фоизи тўғри келади.


Турар жой қурилишига инвестициялар аҳолини намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган ва арзонлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳамда аҳоли томонидан яқка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби
(жамига нисбатан фоизда)

	млрд. сўм	Умумий ҳажмдаги улуши, %
Жами	7846,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
янги қурилиш	5354,5	68,2
кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш	1497,2	19,1
бошқа йўналишлар	994,4	12,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби бўйича умумий ҳажмдан янги қурилишга 5354,5 млрд. сўм ёки 68,2 фоизи, кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга 1497,2 млрд. сўм ёки 19,1 фоизи ва бошқа йўналишларга 994,4 млрд. сўм ёки 12,7 фоизи тўғри келади.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар шаҳар ва туманлар бўйича
(2018 йилнинг январь–декабрь ойларида)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Олот тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу туманда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 42,3 фоизни ўзлаштирилди.

Шунингдек Ромитан тумани жами инвестициялар ҳажмидан 15,3 фоизни, Бухоро шаҳри 17,3 фоизни ташкил этмоқда.

Когон ва Бухоро туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 4,8 фоизни ва 4,1 фоизни ташкил этди.

Когон шаҳри ҳамда Қоровулбозор туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг шаҳардаги улуши 1,4 фоиз ва 1,1 фоизни ташкил этди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 1337,0 млрд.сўм ёки 17,0 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий майдони 1209,5 минг кв.м. бўлган 7199 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 148,6 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 938,8 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 140,6 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 34,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,7 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 60,2 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қурилишида 98,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 10,5 фоизини ташкил қилади.


Коммунал қурилиш соҳасида 1222,2 км. узунликдаги ичимлик суви, 6,8 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 15,4 м.к. ва 59,1 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 1220,4 км. ёки 99,8 фоизи ва газ тармоқларининг 6,8 км ёки 100,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 230,5 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,4 млрд. сўм (0,2 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,1 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-декабрда 3231,0 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2017 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 107,3 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жихатдан қайта жиҳозлашга, 37,8 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

**Иқтисодий фоллят турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари
(млрд.сўм)**




Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 13,2 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 16,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 3058,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 94,7 фоизни (2017 йил январь-декабрга нисбатан 3,5 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоги
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- Давлат мулки
- Нодавлат мулки

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 297675,4 млн. сўм. миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2017 йил шу даври билан солиштирилганда олинган фойда ҳажми 299667,0 млн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 фоизга камайган.

2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млн. сўм	2017 йилнинг январь-ноябрга нисбатан % да
Жами¹⁾	297675,4	99,3
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	3386,2	74,4
Ишлаб чиқарадиган саноат	231964,4	99,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1053,3	x
Қурилиш	7086,2	91,1
Савдо	51380,2	104,4
Ташиш ва сақлаш	1524,3	35,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3435,6	138,3
Ахборот ва алоқа	-75,7	x
Молиявий ва суғурта фаолияти	0,0	x
Кўчмас мулк билан операциялар	2745,4	142,9
Профессional, илмий ва техник фаолият	623,8	96,8
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,0	x
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	182,1	147,6
Бошқалар	-5630,7	x

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзнефтгазмаш” АЖ (5,4 млн.сўм), “Ўзавтосаноат” АЖ (1,5 млн.сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (0,2 млн.сўм), “Ўзпахтаёғ” АЖ (3,9 млн.сўм), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК (1,1 млн.сўм), “Ўзпахтасаноат” АЖ (2,8 млн.сўм), “Ўзшаробсаноат” АЖ (0,3 млн.сўм) га тўғри келади.

Фойданинг пасайиши. Йирик тижорат корхоналари томонидан фойданинг пасайиши кузатилмади.

2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида ҳудудлар кесимида яқуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млн. сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-ноябрига нисбатан % да</i>
Бухоро вилояти ¹⁾	297675,4	99,3
Бухоро ш.	49948,5	158,6
Когон ш.	16513,1	100,6
<i>туманлар</i>		
Бухоро	573,6	123,2
Вобкент	721,3	177,0
Жондор	7465,3	124,3
Когон	1496,0	11,5
Олот	3536,5	100,7
Пешкў	2484,0	2,1 м.к.
Ромитан	3113,6	116,9
Шофиркон	1208,1	134,2
Қорақўл	1212,1	115,9
Қоровулбозор	206016,7	93,8
Ғиждувон	3386,6	118,2


Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Қоровулбозор тумани – 206016,7 млн. сўм (жами фойданинг 69,2 фоизи), Бухоро - 49948,5 млн.сўм (16,8 фоиз) ҳамда Когон шаҳарларига – 16513,1 млн.сўм (5,5 фоиз) тўғри келади.

Зарарлар. 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида 3 та корхона ва ташкилотлар 10615,7 млн. сўм зарарга йўл қўйди.

Зарарнинг асосий қисми Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 7356,4 млн. сўм (69,3 фоиз) АТ ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва – 3250,3 млн. сўм (вилоят бўйича жами зарарнинг 30,7 фоиз) корхоналарига тўғри келади.

2018 йилнинг январь-ноябрида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

(жамига нисбатан фоиз да)




Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати¹⁾

2018 йил 1 декабрь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 1682206,5 млн. сўми ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 3912,9 млн. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,2 фоизи.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2017 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирганимизда 74,0 фоизга камайган.

2018 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги (жамига нисбатан % да)



Энг кўп дебитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналари – 1146014,8 млн. сўм (вилоят бўйича жами қарздорликдан 68,1 фоиз), “Ўзбекэнерго” АЖ – 44140,7 млн. сўм. (2,6 фоиз), “Ўзбеккимёсаноат” АЖ – 19952,8 млн. сўм (1,2 фоиз), “Ўзавтосаноат” АЖ – 2151,5 млн. сўм (0,1 фоиз), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 241509,6 млн. сўм (14,4 фоиз) кузатилмоқда.


Иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларда ва идораларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича тизимли ишлар ташкиллаштирилганлиги натижасида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг ўсиш суръати камайиб бормоқда.

2018 йил 1 декабрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 5294485,0 млн. сўм, ундан муддати ўтган – 16909,2 млн. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,3 фоизини ташкил этди.

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2018 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги

(жамига нисбатан % да)




Энг кўп кредитор қарздорлик “Ўзбекинефтвергаз” АЖ – 4005098,0 млн.сўм (вилоят бўйича жами кредитор қарздорликдан 75,6 фоиз), “Ўзбекинефтверго” АЖ – 89493,1 млн.сўм (1,7 фоиз), “Ўзпахтасаноат” АК – 231062,2 млн.сўм (4,4 фоиз) кузатилди.

2018 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорлиқнинг таркиби (млн.сўм)

	Жами, млн. сўм	ундан:				Муддати ўтган қарздорлиқнинг улуши, % да
		етказиб берувчилар ва пудратчиларга	олинган аванслар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идоравий	
Жами	16909,2	376,7	-	-	-	-
Ишлаб чиқарадиган саноат	729,8	245,5	-	-	-	-
Сув билан таъминлаш, канализация чиқиндиларини йиғиш	16048,2	-	-	-	-	-
Қурилиш	131,2	131,2	-	-	-	-

**Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг
дебитор ва кредитор қарздорлиги**

млн. сўм



■ Дебитор қарздорлик ■ Кредитор қарздорлик

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторлик қарздорликка нисбатан қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млн. сўм</i>	<i>Дебиторга нисбатан % да</i>
"Ўзбекэнерго" АЖ	45352,4	2,0 м.к.
"Ўзшаробсаноат" АЖ	6374,3	190,9
"Ўзбекнефтегаз" АЖ	2859083,2	3,5 м.к.
"ЎР сув хўжалиги вазирлиги" АЖ	30114,3	132,8
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	26762,3	170,3
"Ўзбекистон темир йуллари" АЖ	17615,0	2,4 м.к.


Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши "Ўзбекэнерго" АЖ - 45352,4 млн.сўмга (2,0 м.к.), "Ўзшаробсаноат" АЖ – 6374,3 млн.сўмга (190,9 фоиз), "Ўзбекнефтегаз" АЖ – 2859083,2 млн.сўмга (3,5 м.к.), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 26762,3 млн.сўмга (170,3 фоиз), "Ўзбекистон темир йуллари" АК – 17615,0 млн.сўмга (2,4 м.к.) кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 15700 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,3 фоиз ўсган.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо (25,8 фоиз), саноат (17,3 фоиз), қурилиш (12,7 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (12,6 фоиз), яшаш ва овқатланиш (8,0 фоиз) ва бошқа тармоқларда ташкил этилган.

2018 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши
(фоизда)



2018 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 79,8 фоизи (2017 йил январь-декабрда 79,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3501,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 41,1 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 104,9 фоизни ташкил қилди;

- 17294,2 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 104,8 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди.

- 2001,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 25,5 фоизи) ўзлаштирилди

- 2667,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,6 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 14,5 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,5 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,0 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 3,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 87,2 фоизи ёки 7239,3 млрд. сўми (ўсиш 102,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 72,7 фоизи ёки 4679,2 млрд. сўми (ўсиш 105,0 фоиз) шакллантирилди.

- 72,4 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 44,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 296,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 40,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	17294,2	100,0
Саноат	3501,8	55,5
Қурилиш	2667,5	51,5
Чакана савдо	7239,3	87,2
Юк ташиш, млн тн.	62,8	38,2
Йўловчи ташиш, млн.киши	285,6	81,5
Экспорт, млн.АҚШ долл.	72,4	44,4
Импорт млн. АҚШ долл.	296,3	40,6

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар)
умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг
ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 19093 тани ташкил қилиб, шундан 18115 таси ёки 94,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 4087 та (21,4 фоизи), саноат 2754 та (14,4 фоизи), қурилиш 2013 та (10,5 фоизи), ташиш ва сақлаш 1215 та (6,4 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1271 та (6,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	19093	100,0	18115	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2023	10,6	1873	10,3
саноат	2754	14,4	2625	14,5
қурилиш	2013	10,5	1899	10,5
савдо	4087	21,4	3823	21,1
ташиш ва сақлаш	1215	6,4	1149	6,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1271	6,7	1202	6,6
ахборот ва алоқа	220	1,2	207	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	503	2,6	495	2,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	5007	26,2	4842	26,9

Рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 88,7 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 17,6 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 70,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)




- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Акциядорлик жамиятлари
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
- Бошқа мулкчилик шакллари

Тижорат корхоналари.


2019 йил 1 январь ҳолатига 14934 та тижорат шаклидаги корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар–3056 та, оилавий корхоналар – 961 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 10556 та ва бошқалар 361 тани ташкил этган.

Ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият юритаётган тижорат корхоналарнинг умумий сони, бирликда



2018 йил январь-декабрида жами 3394 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 3024 та). Уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 31,6 фоизи), Ромитан (10,8 фоиз), Гиждувон (8,7 фоиз), Бухоро (7,2 фоиз), Шофиркон (6,4 фоиз), Жондор (6,2 фоиз), Пешку (6,0 фоиз), Когон (5,0 фоиз), Қорақўл (4,8 фоиз), Вобкент (3,7 фоиз), Олот (2,9 фоиз), Қоровулбозор (2,4 фоиз) туманлари ва Когон шаҳри (4,3 фоиз)га тўғри келди.

Шахар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони (бирликда)




Шаҳар ва туманлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

(бирлик)

	01.01.2019 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-декабрда	
		ташкил топди	туғатилди
Вилоят бўйича	19093	3394	885
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	6098	1072	299
Когон	662	147	28
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1455	245	34
Вобкент	852	124	91
Жондор	1269	210	60
Когон	986	170	20
Олот	621	100	49
Пешкў	1156	203	58
Ромитан	1455	367	96
Шофиркон	1175	218	54
Қоракўл	974	163	20
Қоровулбозор	357	80	21
Ғиждувон	2033	295	55

2018 йил январь-декабрда ташкил топган ва тугатилган корхоналар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 17,4 фоизи савдо, 16,1 фоиздан саноат ва кишлок, ўрмон ва балик хўжалиги, 13,0 фоизи қурилиш ва қолган қисми бошқа соҳаларга тўғри келади.

Ҳисобот даврида 885 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.

2019 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 156 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65 тага ёки 17,1 фоизга ўсган. Ушбу корханаларнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия, Хитой Халқ Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши
(2019 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	156	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8	5,1
саноат	83	53,2
қурилиш	7	4,5
савдо	25	16,0
ташиш ва сақлаш	1	0,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	14	9,0
ахборот ва алоқа	0	0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2	1,3
бошқа фаолият турлари	16	10,3


Оилавий корхоналар сони

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 1015 тани ташкил этиб, улардан 961 таси ёки 94,7 фоиз фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 42,6 фоизга ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 32,2 фоиз ёки 309 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 29,0 фоиз ёки 279 таси саноат, 14,3 фоиз ёки 137 таси савдо, 12,7 фоиз ёки 122 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2,4 фоиз ёки 23 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий

хизматлар кўрсатиш, 1,1 фоиз ёки 11 таси қурилиш, 0,9 фоиз ёки 9 таси ташиш ва сақлаш, 0,7 фоиз ёки 7 таси ахборот ва алоқа ҳамда 6,7 фоиз ёки 64 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



Иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳамда саноат энг ками эса ахборот ва алоқа, ташиш ва сақлаш каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони

(бирлик)

	2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-декабрда	
		ташкил топди	тугатилди
Вилоят бўйича	15700	3024	858
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	5229	987	288
Когон	528	137	28
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1234	221	32
Вобкент	635	103	87
Жондор	1026	188	60
Когон	845	150	19
Олот	463	86	48
Пешкў	931	172	57
Ромитан	1220	334	94
Шофиркон	921	187	53
Қорақўл	717	125	18
Қоровулбозор	263	74	21
Ғиждувон	1688	260	53


VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 893,5 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,8 фоизни, шу жумладан, экспорт 162,8 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 80,7 фоизни, импорт 730,7 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ dollari)

	январь-декабрь		2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 й.	2018 й.	
Ташқи савдо айланмаси	877892,1	893522,8	101,8
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	577274,2	509337,9	88,2
бошқа хориж мамлакатлари	300617,9	384184,8	127,8
Экспорт	201673,8	162829,1	80,7
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	45498,0	36839,1	81,0
бошқа хориж мамлакатлари	156175,8	125989,9	80,7
Импорт	676218,3	730693,7	108,1
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	531776,2	472498,8	88,9
Бошқа хориж мамлакатлари	144442,1	258194,8	178,8

**2018 йил январь-декабрда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ
ва бошқа давлатларнинг улуши**




2018 йилнинг январь-декабрда экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	80,7
пахта толаси	46,7	53,2	91,9
озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	8,6	56,3
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	1,2	1,1	79,4
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	13,6	2,5	14,7
қора ва рангли металллар	-	0,1	-
машина ва ускуналар	-	-	46,0
хизматлар	10,8	12,4	93,2
бошқалар	15,4	22,1	116,0

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Импорт таркиби	100,0	100,0	108,1
озик-овқат маҳсулотлари	0,6	3,3	6,1 м.к.
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	3,4	5,6	178,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	71,9	54,0	81,2
қора ва рангли металллар	1,0	1,7	183,0
машина ва ускуналар	19,0	24,9	141,6
хизматлар	0,1	0,1	83,0
бошқалар	4,0	10,4	2,8 м.к.

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




**2018 йилнинг январь-декабрда ташқи савдо айланмасида катта
улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Россия Федерацияси	30,6	62,0
Хитой	13,7	97,6
Туркманистон	21,1	2,2 м.к.
Эрон	10,9	148,8
Германия	3,2	2,4 м.к.
Қозоғистон	2,7	85,2
Туркия	2,8	2,0 м.к.
Украина	1,3	86,0
Белорусия	1,1	150,5


**2018 йил январь-декабрда МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга
оширилган ташқи савдо таркиби**

Экспорт



МДҲ давлатлари



Бошқа хориж давлатлари



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси

	Экспорт		Импорт	
	январь-декабрь		январь-декабрь	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
Жами	45498,0	36839,1	531776,2	472498,8
<i>шу жумладан:</i>				
Россия	18678,8	21718,9	421990,2	251485,9
Қозоғистон	20485,0	9340,3	7750,0	14718,8
Украина	1186,0	871,5	11821,3	10316,0
Туркменистон	3209,3	2916,8	83768,7	185323,5
Белоруссия	172,6	253,6	6182,8	9308,6
Арманистон	0,3	-	-	-
Қирғизистон	923,6	289,4	105,1	921,7
Озарбайжон	331,1	525,9	3,0	7,5
Тожикистон	459,5	743,0	155,1	370,1
Молдова	51,7	179,7	-	46,8

IX. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 68,6 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1699,1 млн.тн.км.ни ва ўтган йилга шу даврига нисбатан 96,6 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати:

	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	68,6	102,3
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	68,6	102,3
Юк айланмаси, млн. тн-км	1699,1	96,6
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1699,1	96,6

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 4,5 фоизга кўпайди ва 1044,3 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 61,5 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрда 56,7 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 294,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 4,0 фоизга кўпайиб, 9982,2 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати:

	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	294,7	104,2
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	294,7	104,2
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	9982,2	104,0
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	9982,2	104,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-декабрга нисбатан 2,3 фоизга кўпайди ва 8920,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 89,4 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-декабрда 91,6 фоиз).

Х. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2018 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси 8306,6 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 43,6 га ўсиб, 1067,3 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 12,8 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг товар айланмаси 10,9 фоизга ўсиб, 1266,6 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 15,3 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмининг 5972,6 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг ҳисобига тўғри келди 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 фоизга ошди. Ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмидаги улуши 71,9 фоизга тенг бўлди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)



2018 йилнинг январь–декабрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 1,5 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 68,4 фоизни ташкил қилди.


Нодавлат мулки 8305,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 106,8 фоизни ташкил қилди.

**Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича
чакана товар айланмаси**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами	8306,6	106,8	100,0
<i>шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	1,5	68,4	-
нодавлат мулки	8305,1	106,8	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	5972,6	100,3	x

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри 33,7 фоиз, Гиждувон тумани 17,3 фоиз, Қоракўл тумани 9,5 фоиз, Ромитан тумани 6,1 фоиз ва Жондор тумани 5,8 фоизни ташкил этган бўлса, Қоровулбозор туманида 1,6 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
% ҳисобида



Умумий овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 224,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 5,5 фоизга ўсди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,7 фоизни ташкил этди.

Чакана товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида
(умумий овқатланишни қўшиган ҳолда)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</i>
Вилоят бўйича	8306,6	106,8	4407,1	105,2
<i>шаҳарлар</i>				
Бухоро	2799,8	109,6	10100,3	109,2
Когон	319,2	103,1	5285,3	102,4
<i>туманлар</i>				
Бухоро	399,6	102,0	2475,6	99,9
Вобкент	480,7	113,9	3539,4	112,1
Жондор	485,7	102,5	2865,3	100,6
Когон	165,7	102,5	2200,9	100,0
Олот	200,1	102,6	2073,8	101,0
Пешкў	260,8	104,1	2189,7	102,2
Ромитан	509,4	102,2	3704,5	100,4
Шофиркон	329,5	102,9	1906,8	101,4
Қоракўл	785,2	103,9	4913,4	102,1
Қоровулбозор	134,2	102,0	7495,8	100,3
Ғиждувон	1436,8	109,4	4763,9	107,8

2018 йилнинг январь–декабрида улгуржи савдо товар айланмаси 2104,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 108,6 фоизни ташкил қилди.

Умумий улгуржи савдо товар айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсишига қарамадан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 3,2 фоизга ошиши кузатилиб, ҳажми 799,2 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, улгуржи савдо товар айланмаси ҳажимда катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (34,3 фоиз), Гиждувон тумани (18,1 фоиз), Қоракўл тумани (10,2 фоиз) ни ташкил этган бўлса, Олот тумани (2,0 фоиз), Когон тумани (1,6 фоиз) ва Қоровулбозор тумани (1,6 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Улгуржи савдо товар айланмаси шаҳар ва туманлар кесимида

	млрд. сўм	Жамига нисбатан, % ҳисобида	2017 йил январь- декабрига нисбатан, % ҳисобида
Вилоят бўйича	2104,3	100,0	108,6
Бухоро	721,8	34,3	109,1
Когон	86,3	4,1	101,2
<i>туманлар</i>			
Бухоро	94,7	4,5	103,5
Вобкент	119,9	5,7	116,9
Жондор	111,5	5,3	102,8
Когон	33,7	1,6	102,2
Олот	42,1	2,0	120,7
Пешкў	46,3	2,2	113,8
Ромитан	130,5	6,2	105,2
Шофиркон	88,4	4,2	106,1
Қоракўл	214,6	10,2	106,9
Қоровулбозор	33,7	1,6	101,1
Гиждувон	380,9	18,1	112,5

XI. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 6439,8 млрд. сўмни ташкил қилди, 2017 йил январь-декабрга нисбатан ҳақиқий ўсиш 107,7 фоизни ташкил этди.


2018 йил январь-декабрь ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами хизматлар	6439,8	107,7	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	364,4	113,5	5,7
Молия хизматлари	658,1	127,3	10,2
Транспорт хизматлари	1694,6	103,5	26,3
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	283,2	106,2	4,4
Савдо хизматлари	2149,9	103,6	33,4
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	178,1	105,5	2,8
Таълим хизматлари	284,5	129,8	4,4
Соғлиқни сақлаш хизматлари	121,5	99,2	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	176,4	104,2	2,7
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	152,7	106,0	2,4
Шахсий хизматлар	140,9	101,8	2,2
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	65,1	125,3	1,0
Бошқа турдаги хизматлар	170,4	108,3	2,6

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (33,4 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (26,3 фоизи), молиявий (10,2 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,7 фоизи), яшаш ва овқатланиш (4,4 фоизи) ва таълим (4,4 фоизи) хизматларга тўғри келди.


Таълим хизматлари (29,8 фоизга кўп), молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (ўтган йилга нисбатан 27,3 фоизга кўп), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (25,3 фоизга кўп), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет”тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда (13,5 фоизга кўп), ўсиш юқори бўлди.

2018 йил январь-декабрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (58,1 фоиз), Гиждувон тумани (10,8 фоиз), Бухоро тумани (3,7 фоиз), Когон шаҳри (3,6 фоиз) ни ташкил этган бўлса, Пешкў (2,4 фоиз), Қоровулбозор (2,0 фоиз) ва Когон туманлари (2,0 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.


2018 йил январь-декабрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши, фоизда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар
(туман ва шаҳарлар кесимида)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</i>
Вилоят бўйича	6439,8	107,7	3416,7	106,1
Бухоро ш.	3738,7	108,8	13487,2	108,4
Когон ш.	234,3	100,4	3879,6	99,7
<i>туманлар</i>				
Бухоро	239,0	106,5	1481,0	104,3
Вобкент	215,2	105,9	1584,3	104,1
Жондор	174,9	106,5	1031,5	104,5
Когон	127,8	105,0	1696,6	102,5
Олот	163,7	105,3	1696,3	103,8
Пешкў	154,7	108,7	1298,9	106,7
Ромитан	214,3	105,9	1558,7	104,0
Шофиркон	163,8	105,7	947,8	104,2
Қорақўл	195,3	105,8	1222,3	104,0
Қоровулбозор	126,0	107,9	7040,8	106,1
Ғиждувон	692,1	107,8	2294,8	106,2

2018 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига ҳажмлар, минг сўм



2018 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига ўсиш суръати, %



XII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1899,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 29294 кишига ёки 1,6 фоизга кўпайди.

Бухоро вилоятининг доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2019 йил 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Бухоро вилояти	1899,5	706,1	1193,4	101,6	101,1	101,9
Бухоро ш.	278,0	253,4	24,6	100,6	100,6	100,9
Когон ш.	60,7	60,7	-	100,8	100,8	-
Бухоро	163,0	37,3	125,7	101,9	101,9	101,9
Вобкент	136,9	26,7	110,2	101,7	101,3	101,8
Жондор	171,1	33,0	138,1	102,0	102,1	102,0
Когон	76,2	5,4	70,8	102,3	101,6	102,4
Олот	97,4	36,8	60,6	101,7	101,1	102,1
Пешкў	120,2	15,3	104,9	102,0	101,6	102,0
Ромитан	138,6	34,7	103,9	101,7	101,3	101,9
Шофиркон	174,1	40,3	133,9	101,5	101,2	101,6
Қорақўл	161,2	61,3	99,9	101,8	101,9	101,8
Қоровулбозор	18,0	10,3	7,7	101,0	100,7	101,4
Ғиждувон	304,0	90,9	213,1	101,6	101,2	101,7

Бухоро вилояти шаҳар ва туманлари кесимида 2019 йил 1 январь ҳолатига энг кўп аҳоли сони Гиждувон туманида 304,0 минг кишини (вилоят аҳоли сонидаги улуши 16,0 фоиз), Бухоро шаҳрида 278,0 минг кишини (14,6 фоиз), Шофиркон туманида 174,1 минг кишини (9,2 фоиз) ва Жондор туманида 171,1 минг кишини (9,0 фоиз) ташкил этди.

Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши
(2019 йил 1 январь ҳолатига Бухоро вилояти жами аҳолисига нисбатан, % да)



2018 йил январь-декабрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	37228	40222	2994	20,0	21,3
Ўлганлар	8336	7984	-352	4,5	4,2
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	353	273	-80	х	х
Табиий ўсиш	28892	32238	3346	15,6	17,1
Никоҳлар	16329	14134	-2195	8,8	7,5
Ажралишлар	1822	1608	-214	1,0	0,9

Туғилиш. 2018 йилнинг январь-декабрда туғилганлар сони 40222 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (37228 киши) нисбатан 2994 тага кўпайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 21,3 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (20,1 промилле) нисбатан 1,3 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Қоровулбозор (20,8 дан 20,3 промиллега), Когон (23,8 дан 20,3 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-декабрда ўлганлар сони 7984 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (8336 киши) нисбатан -352 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,2 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-декабрида – 4,5 промилле).

Ўлим сонининг кўпайиши Когон шаҳрида (5,2 промилледан 5,5 промиллега), Бухоро шаҳрида (4,9 промилледан 5,0 промиллега) ва Қоровулбозор туманида (2,8 промилледан 3,2 промиллега) кузатилди. Қолган барча туманларда камайиш тенденцияси кузатилди.


Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6091 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 9035 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 2944 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 2254 киши) тенг бўлди.

¹⁾ дастлабки маълумот


Энг катта минус колдиклар Бухоро шахрида (минус 1882), Шофиркон (минус 425) ва Гиждувон (минус 713) туманларида кузатилди.

2018 йил январь-декабрь ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

(ҳар 1000 кишига)




Доимий аҳоли сони ¹⁾ (2019 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)



Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-декабрда ФХДЁ органларида 14134 та никоҳлар ва 1608 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,5 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 8,8 та) ва 0,9 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.


Тузилган никоҳлар сони ¹⁾ (январь-декабрь ойларида)

(бирлик)



Никоҳдан ажралишлар сони ¹⁾ (январь-декабрь ойларида)

(бирлик)



¹⁾ Дастлабки маълумот